

**YURIDIK AHAMTYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**  
**№**

- 1. Loyihaning turi**  
Xo'jalik shartnomasi
- 2. Loyihaning nomi**  
Pudrat shartnomasi to'g'risida  
("Xatirchi TYFUK " MCHJ)  
(131 066 726)
- 3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**  
Xatirchi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi

27.07.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xatirchi tumani Yuridik  
xizmat ko`rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**I.Fayziyev**  
**27.07.2022-yil**

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 25/07-4

Хатирчи тумани

25 июл 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Хатирчи тумани Ободонлаштириши бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи Ж.Рахмонов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Хатирчи ТИФУК" номидан Устав асосида иш кўрувчи И.Мухаммадиев иккинчи томондан Хатирчи тумани Бинокор МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш бўйича қўйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганилиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтичалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтичалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объекктнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Хатирчи тумани Бинокор МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш лойиҳада кўзда тутилган ҳолда жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "20" июлдаги 122175-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда \_131 066 726.00 (Бир юз уттиз бир миллион олтмиш олти минг етти юз йигирма олти) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил қисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга сенгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

Сўриб чиқган юрист: Fayziyev Ilhom Samatullo o'g'li. Ҳужжат рақами: JO0342534138

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларинга мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтқазилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари шатижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фойзи миқдорида аванс ўтказади, бу 39320017.8 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархикеткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласи.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён киласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиласдилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоизи миқдорида пея тўлайди, бунда пеянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пея тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши тифайли етказилган заарни қоплашдан озод кильмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равиша бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўргасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равиша расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикитиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб Фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сунг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача хисобланади.

### XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МОДДАСИ

58. Томонлар буни эълон киладилар: - Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари, уларни бажариш чоғида ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар, бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/камчиликларни содир етмайди коррупсияга карши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан ва ёки бузук табиатта ега, шу жумладан пора бериш ёки ваъда қилиш, пора бериш (лекин чекланмаган), пора олиш учун товламачилик, тўғридан-тўғри ёки билвосита розилик.

- Томонлар, уларнинг аффилланган (алоқадор) шахслари ва ходимлари рағбатлантиришдан бош тортадилар ходимлар ёки бирон-бир тарзда бошқа партия ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар билан таъминлаш, уларга беғараз хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ходим ёки ваколатли вакилнинг рағбатлантирувчи томони манфаати учун ҳар қандай харакат камчиликларни амалга оширишини таъминлашга қаратилган.

59. Бир партия бузилиши деб гумон бўлса 58-банднинг қондалари. бу шартнома содир бўлди ёки содир бўлиши мумкин, тегишли партия бу ҳакида иккинчи партия хабардор килиш маъжбуриятини олади Партия, ва қонун бузилиши рад етиб бўлмайдиган далиллар тақдирда Ўзбекистон Республикаси коррупсияга карши курашиб соҳасида-шуунингдек, тартибда ваколатли органлар амалдаги қонунчиликда белгиланган.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

“Хатирчи ТИФУК”

Хатирчи туман Ободонлаштириши бошқармаси

Манзил: Дамарик МФЙ А.Яссавий кўчаси 76-үй

Манзил: Хатирчи Туман Парохун МФЙ

Банк: Ҳамкор банк Навоий шаҳар

Банк: Марказий Банк Тошкент ш.

МФО: 00014 ИНН: 200023432

ИНН: 204658969

P/C 470010860122517045193118001

100022860122517045204110001

И.Мухаммадиев

Ж.Рахмонов



## Korrupsiyaga qarshi qoidalalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan harqanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy nafolishuchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

**Poraberishni taklif qilish yoki va'da berish;**

**tovlamachilik qilish;**

**Porasifatida pul to'lash;**

**Bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.**

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilibshiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloq ga to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shujumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duchkelsa, buhaqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

**Korrupsiya haqida xabarberishga mo'ljallangan ishonch telefoni;**

**Telegram-kanali ("@xxxxxxxxxx");**

**(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiyveb-saytida joylashtirilgan shakl yoki electron pochta.**

### TOMONLAR:

**YII XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI**  
LMuhammadiyev

(imzo)



**Xatirchi tumani qo'dedubshirish boshqarmasi**  
J.Rahmonov

(imzo)



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122175 на приобретение Хатирчи туман  
Бинокор МФЙ ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш**

**Способ проведения электронный**

Дата 20.07.2022

Время рассмотрения 20.07.2022 21:18

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Бош мухандис	Комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	HAMRAYEV NAZAR JUMAYEVICH	хисобчи	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Булим бошлиги	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	касаба уюшмаси раиси	комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Назоратчи	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LlI	yul nazoratchisi	kamissiya azosi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.07.2022 года № лота 122175.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
<b>Подробное описание</b>	Хатирчи туман Бинокор МФЙ ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	134 538 734.00
<b>Стартовая сумма</b>	134 538 734.00
<b>Валюта</b>	UZS .

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

**Критерий №1 Молиявий холати, Машина механизмлар тугрисида**

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик баланс хисоботлари (Давлат солик инспекциясидан тасдикланган булиш керак). Курилиш ташкилотини хисоб ракамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % миқдорида пу маблаги мавжуд булиши ёки шу миқдорда айланма маблаги борлиги тугрисида банк хати Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакли машина ва механизмлар билан таъминловчи

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo'l" МЧЖ	25	Мавжуд	20	Экспертная		
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	25	Мавжуд	25	Экспертная		

Критерий №2 Ишчи тугрисида ходимлар, Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектларда бажарган ишлари тугрисида маълумот Конкурсда лойиҳа сметага асосан физ обём тақдим этиш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo'l" МЧЖ	25	мавжуд	20	Экспертная		
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	25	Мавжуд	25	Экспертная		

Критерий №3 Пудратчи тугрисида маълумот, Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми .руйхатдан утказилгани тугрисида маълумот нусхаси . ташкилот таркибий структураси Пудратчининг Курилиш вазирлиги маҳсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тугрисида маълумот (ССС булиш авзалрок )

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo'l" МЧЖ	25	мавжуд	19	Экспертная		
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	25	Мавжуд	25	Экспертная		

Критерий №4 Банк ва соликдан карзи йуклиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. кайси турдаги солик туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo'l" МЧЖ	25	мавжуд	22	Экспертная		
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	25	Мавжуд	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	134 538 734.00	131 066 726.00 UZS	131 066 726.00	00.00	131 066 726.00	20.07.2022 10:32:53	20.00
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	134 538 734.00	134 078 760.00 UZS	134 078 760.00	00.00	134 078 760.00	19.07.2022 17:22:29	19.55

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI	80	20	100
"Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ	64.8	19.55	84.35

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122175 от 20.07.2022 года на приобретение Хатирчи туман Бинокор МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш определила победителем:

УП XATIRCHI TUMAN YUL XO'JALI  
200023432

и резервный исполнитель: "Xatirchi Jaloyir Trans Yo I" МЧЖ (302649075)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	SOBIROV SAIDAHMAD VALI O'G'LII	Согласен	
Председатель комиссии	NURQUVVATOV HAMRO OYDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEV TOXIR ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUMINOV YORMAMAT PIRNAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	ISOQULOV ZAFAR BAXRONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП